

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

СамДУ ректори

проф.

Р.И.Халмурадов

2022 йил

**08.00.10 - “ДЕМОГРАФИЯ. МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ”
ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРАГА
КИРИШ СИНОВЛАРИ УЧУН МАХСУС ИХТИСОСЛИК
ФАНЛАРИДАН**

ДАСТУР ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

САМАРҚАНД – 2022 й.

Аннотация:

Дастур 08.00.10 - “Демография. Меҳнат иқтисодиёти” ихтисослигига кировчилар учун 5A230601 - Инсон ресурсларини бошқариш мутахассисликларини 2020 йилда тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилди.

ТУЗУВЧИЛАР:

Джуракулов Ш.Д.

Ш.Рашидов номидаги СамДУ,
Инсон ресурсларини бошқариш
факультети декани, PhD, доцент

Арабов Н.У.

Ш.Рашидов номидаги СамДУ,
Инсон ресурсларини бошқариш
кафедраси мудири, иқтисод
фанлари доктори, профессор

Бозоров Б.У.

Ш.Рашидов номидаги СамДУ,
Инсон ресурсларини бошқариш
кафедраси доценти, иқтисод
фанлари номзоди

Дастур Инсон ресурсларини бошқариш факультетининг 2022 йил 29 августдаги № 1-сонли Кенгаш йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган.

КИРИШ

Ўзбекистонда кенг кўламли ва чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотларнинг дастлабки натижалари аҳоли ҳаёти ва кундали турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда ва бунинг натижасида эл-юртнинг ижтимоий фаоллиги эртанги кунга ишлончи тобора ортиб бормоқда. Бундай ижтимоий фаолликка ижтимоий-меҳнат муносабатларини муттасил такомиллаштириб бориш меҳнатни макроиқтисодиёт, тармоқ ва корхоналар миқёсида оқилона ташкил қилиш, яъни ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган меҳнат омилидан самарали фойдаланиш орқали эришилади.

Жаҳон тараққиётида ривожланишнинг асосини ташкил этквчи инсон омили етакчи омил сифатида намоён бўлмоқда. Уни ўрганиш натижасида эса демография ва меҳнат иқтисодиёти ижтимоий меҳнат тақсимотининг алоҳида йўналиши сифатида шаклланди ва демографик жараёнлар ҳамда меҳнат муносабатларини ўрганиш алоҳида йўналишдаги фанлар бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, унинг кўламини кенгайтириш билан боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишда демография ва меҳнат иқтисодиёти фанлари муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, мамлакатда аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга уларнинг иш билан таъминлаш муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш билан эришиш мумкин.

Шундай экан, жамиятнинг барча иқтисодий ва ижтимоий муаммоларига меҳнат тушунчаси нуқтаи назаридан ёндашиб, бу муаммоларни ҳал этишга демография ва меҳнат иқтисодиёти соҳасидаги изланишлар орқали эришиш мумкин.

Демография. Меҳнат иқтисодиётининг мақсади — мамлакатимизда макро ва микро даражада меҳнат жараёнларида вужудга келаётган ўзига хос ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тушунтириш, уларни бошқариш ва тартибга солиш ҳамда демографик жараёнларни тадқиқ этиш борасида хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Унинг вазифаси — меҳнатга оид тушунча, кўникмаларни шакллантириш, корхона ва ташкилотларда меҳнат муносабатлари тизимини таҳлил этиш, баҳолаш ва уни такомиллаштиришнинг аниқ чора ва тадбирларини ишлаб чиқиш, меҳнат жараёнларини тадқиқ этиш, демографик вазиятга баҳо бериш, иқтисодий ходиса ва жараёнларни объектив мазмунини мантикий жиҳатдан мушоҳада қилиш учун зарур бўлган услубий ёндашувларни эгаллашга кўмаклашишдан иборат.

Меҳнат тўғрисидаги фаннинг юзага келиши ва унинг жамият ривожланишидаги роли

Меҳнат тўғрисидаги фаннинг юзага келишида Арастудан Ф.Смитгача бўлган давр. Арасту асарларида товарларнинг қиеслана олиши муаммоси ҳақида. Уильям Петти ва Пьер Буагильбер томонидан меҳнат ҳақидаги фанга асос солиниши. Франсуа Кенэ таълимотида қишлоқ хўжалик меҳнатининг ёритилиши. А.Смитнинг меҳнат унумдорлиги ошишишнинг асосий шартлари ҳақидаги назарияси. Меҳнатнинг унумли ва унумсиз меҳнатга бўлиниши. Қийматга оид меҳнат назариясининг ривожланишида Д.Рикардо ва К.Маркс таълимоти. Қийматга оид меҳнат назарияси ва ишлаб чиқариш омиллари. Меҳнатни икки томонлама характери. Абстракт меҳнат ва реал меҳнат. “Меҳнат” тўғрисидаги назариянинг ривожланишида Ж.Б.Сей, маржиналчилар ва янги классикларнинг роли. Бозор иқтисодиёти ва меҳнат муносабатларини давлат томонидан тартибга солиб бориш назарияси. Й.Шумпетер, Ж.М.Кейнс ва янги классик синтезларнинг қарашлари. Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси.

Меҳнат тўғрисидаги фанни юзага келишида Ислом иқтисодиёти мафкурачилар ва шарқ иқтисодий тафаккурининг ўрни. А.Темурнинг иқтисодий ғоялари. Соҳибқироннинг иқтисодий сиёсати замирида инсон, унинг манфаати ва тинч ҳаёт кечириш муаммоларининг кўрилиши.

Меҳнат иқтисодиётининг моҳияти, предмети ва мазмуни

Меҳнат тушунчасининг мазмуни ва моҳияти. Меҳнат ва фаолият тушунчалари. Инсон ва жамиятнинг ривожланишида меҳнатнинг аҳамияти. Меҳнат жараёнининг оддий таркибий элементлари: меҳнат предмети, меҳнат воситалари, фаолият технологиялари ёки меҳнат предметиға таъсир этиш усули, меҳнатни нормалаш ва меҳнатнинг ўзи. “Меҳнат” ва “фаолият” тушунчаларининг ўзаро нисбати. Меҳнат предметларини ва ижтимоий муносабатни ўзгартириш жараёни. Меҳнатнинг мазмуни ва хусусияти. Меҳнат иқтисодиёти предметининг шаклланиши ва ривожланиши. “Меҳнат иқтисодиёти” фанининг предмети ва усули. Меҳнат иқтисодиётининг даражавий бўлимлари ва муаммолари. Меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив хужжатлар. Меҳнат турлари. Меҳнат элементлари ва меҳнат жараёни. Меҳнатнинг намоён бўлиш шакллари ва функциялари. Инсоннинг камолга етишида меҳнатнинг аҳамияти. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида меҳнат иқтисодиётининг вазифалари.

Меҳнат жараёнларини ташкил этиш

Меҳнатни ташкил этиш: моҳияти ва хусусиятлари. “Меҳнатни ташкил қилиш” тушунчасининг пайдо бўлиши. Ф.Тейлорнинг “меҳнатни илмий асосда бошқариш” назарияси. Ҳодимлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан

таминлашнинг моҳияти ва мазмуни. Ижтимоий меҳнат муносабатларини ташкил қилиш. Инсоннинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ҳолати.

Меҳнат тақсимоти ва кооперацияси. Жамиятда меҳнат тақсимотининг турлари. Корхоналарда меҳнат тақсимотининг асосий кўринишлари. Корхонада меҳнат кооперациясини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Иш ўрни - ишлаб чиқариш маконининг бир қисми. Иш ўрнини таъминлаш. Иш ўрнларининг бир қатор белгилари. Иш ўринларини ташкил этиш, режалаштириш ва хизмат кўрсатиш. Хизмат кўрсатиш тизими. Меҳнат интизоми ва уни рағбатлантириш. Меҳнат шароитлари ва уларга баҳо бериш. Чет элларда меҳнат фаолиятини ташкил этиш ва оқилоналаштириш назариясининг ривожлантирилиши. Мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатларида ва Ўзбекистонда меҳнатни ташкил этиш назарияларининг ривожланиши.

Бозор ҳўжалиги тизимида меҳнат бозори

Меҳнат бозори: моҳияти, мазмуни ва тузилиши. Меҳнат бозори - бозор иқтисодиётининг муҳим элементи сифатида. Меҳнат бозорининг асосий элементлари. Меҳнат бозори тизимини бошқаришнинг концептуал модели. Меҳнат бозорида давлат сиёсатининг йўналишлари. Ташқи ва ички меҳнат бозорлари элементларининг ўзаро ҳаракати. Меҳнат бозори конъюктураси. Меҳнат бозорининг ишлаш механизми. Кўлам самараси ва ўринни босиш самараси. Талаб ва таклифнинг ўзаро алоқадорлиги. Меҳнат бозорининг турлари: уларнинг сегментларга бўлиниши ва мослашувчанлиги. Меҳнат бозоридаги таклиф ва эҳтиёж. Меҳнат бозоридаги рақобат. Меҳнат бозори моделлари. Меҳнат бозорининг сегментларга бўлиниши ва мослашувчанлиги. Ёлланма ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги муносабатлар, меҳнат бозори субъектлари билан уларнинг вакиллари ўртасидаги муносабатлар, меҳнат бозори субъектлари билан давлат ўртасидаги муносабатлар. Бирламчи ва иккиламчи меҳнат бозорларининг асосий хусусиятлари. Аёлларнинг меҳнат бозоридаги аҳволи. Меҳнат бозори ва унинг ривожланиши бўйича назарий қарашлар. Демографик тенденциялар ва уларнинг меҳнат бозорига таъсири. Аҳолининг кексайиш муаммоси. Ўзбекистондаги демографик тенденциялар. Ўзбекистоннинг асосий демографик кўрсаткичлари. Аҳолининг кўпайиб кетиш муаммоси. Меҳнат бозоридаги энг янги тамойиллар: глобаллашув ва миллий манфаатлар. Меҳнат бозори ва уни тартибга солишнинг асосий йўналишлари. Меҳнат бозоридаги давлат сиёсатининг йўналишлари. Меҳнат бозоридаги пассив ва фаол сиёсат. Давлат иш билан бандлик ҳизмати. Мустақил иш билан бандлик ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш. Иш билан бандликнинг ноанъанавий шакллари. Жамоат ишлари дастурлари. Меҳнат бозорининг фаолият кўрсатиш механизми ва уни моделлаштириш.

Меҳнат ресурслари ва меҳнат потенциали

Меҳнат ресурслари ижтимоий-иқтисодий категория сифатида. Меҳнат ресурсларининг шаклланиши. Меҳнат ресурслари таркиби: ҳозирги пайтда фаол ва фаол бўлмаган аҳоли турларининг таснифи. Ёлланиб ишлайдиганлар ва ёлланмасдан ишлайдиганлар. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, жамиятнинг меҳнат потенциали. "Аҳоли" ҳақида тушунча. Аҳолини пайдо бўлиши. Меҳнат ресурсларини ёш жиҳатдан тузилиши. Меҳнат ресурсларининг сонини аниқлаш. Меҳнат ресурсларини малакавий таркиби. "Меҳнат салоҳияти" ҳақидаги тушунча ва унинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни. Ташкилот салоҳиятини шакллантириш ва ундан фойдаланиш. Меҳнат потенциали ва меҳнат ресурсларининг шаклланишида инсон омили. Меҳнат потенциалидан фойдаланиш. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари. Меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлашишга муҳтож шахсларни аниқлаш. Меҳнат ресурсларининг миқдори. Иқтисодий фаол аҳоли сони. Иш билан бандлар сони. Иш билан банд бўлмаган, ишга жойлашишга муҳтож шахслар сонини аниқлаш. Меҳнат ресурсларининг прогноз балансини тузиш. Меҳнат ресурслари ҳамда ишга жойлашишга муҳтож шахслар сони балансининг маълумотларидан фойдаланиш.

Аҳолини иш билан бандлиги назариялари ва уларни амалда қўлланилиши

Аҳолини иш билан бандлигининг классик ва неоклассик назариялари. Классик мактабнинг намояндalари А.Смит ва Д. Рикардо талимотларида бозор хўжалигида тўлиқ иш билан бандлик назариясининг асосланиши. Ж.Кейнс ва неокейнсчиланинг иш билан бандлик назарияси. Ҳозирги замон неоклассик назарияларида иш билан бандлик масалалари. А.Филлипс бўйича инфляция ва ишсизликнинг бир-бирига боғлиқлиги ҳақида. Филлипс эгри чизиғи. Монетаристлар ва неоконсерватизм йўналишларининг вужудга келиши. Милтон Фридман мактаби. Ишсизликнинг табиий меъёри тўғрисидаги гипотезалар. Неоклассик синтез. Иш билан бандликнинг ҳозирги замон назарияларидан фойдаланиш. Иш билан бандликнинг янги макроиқтисодий назарияси. Шартномавий иш билан бандлик назарияси. Институционал йўналиш.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳолини иш билан бандлигининг шаклланиши ва моҳияти

Иш билан бандликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, мазмуни ва шакллари. Аҳолини иш билан бандлик концепцияси. Меҳнатнинг ихтиёрийлиги. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан бандлиги тўғрисида"ги қонунда белгиланган бандликни асосий тамойиллари. Фавкулудда ҳуқуқ тамойили. Иш билан бандлик шаклларининг таснифи.

Аҳолини иш билан бандлигининг асосий турлари. Иш билан бандлик даражаси. Оқилона иш билан бандлик. Самарали иш билан бандлик. Маҳсулдор иш билан бандлик. Энг мақбул иш билан бандлик. Иш билан бандликнинг ноанъанавий шакллари. Аҳолини иш билан бандлик даражасини яхшилашнинг йўналишлари. Иш билан бандлик мақоми. Иш билан бандлик самарадорлиги. Аҳолини иш билан таъминлаш мезонлари. Аҳолини иш билан бандлигини бошқаришдаги хорижий тажрибалар.

Ишсизлик: сабаблари, хусусиятлари ва камайтириш йўллари

Ишсизлик ҳақида умумий тушунчалар. Ишсизлик шартлари. А.Оукен қонуни. Ишсизликнинг тарқалиши ва ишсизлар харакати. Ишсизликнинг давомийлиги. Ишсизлик бўйича нафақалар. Ишсизликнинг сабаблари. Ўзбекистонда ишсизликнинг ўсиш сабаблари. Ишсизликнинг ижтимоий - иқтисодий чиқимлари. Ишсизлик таснифи. Ишсизлик турлари. Табиий ишсизлик. Мажбурий ишсизлик. Таркибий ишсизлик. Фрикцион ишсизлик. Даврий ишсизлик. Яширин ишсизлик. Ишсизликнинг турли мезонлари бўйича таснифи. Ишсизликни камайтириш йўллари. Иш билан бандлик ва ишсизликдан ҳимоялаш сиёсати. Иш билан бандлик ва ишсизликдан ҳимоялаш сиёсатининг умумий тузилмаси. Иш билан бандликни ўсишини рағбатлантириш йўналишлари. Ишсизликнинг жамият ҳаётига таъсир кўрсатиши. Аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат тадбирлари. Касбга қайта ўқитиш. Таълим бериш тизимини кенгайтириш. Бўш иш жойлари ҳақида ахборотларни тарқатиш.

Персонални ва инсон ресурсларини бошқариш назарияси ва амалиёти

Инсонни ташкилотдаги роли тўғрисидаги бошқарув назарияси. Иқтисодий ҳаёт субъекти тўғрисидаги тасаввурнинг ривожланиши. Бошқарув назарияларининг таснифи. “Тизим”, “бошқарув”, “тартибга солиш”, “персонал” тушунчаларининг методологик аҳамияти. А.Файолнинг маъмурий фаолиятга таълуқли 14 тамойили. Меҳнат тақсимоти. Ҳокимият. Интизом. Бирон-бир ижтимоий тузилмадаги интизомнинг аҳволи. Буйруқ бериш бирлиги. Раҳбарликнинг бирлиги. Хусусий манфаатларнинг умумий манфаатларга бўйсунishi. Персонални рағбатлантирилиши. Марказлаштирилиш. Иерархия. Тартиб. Адолат. Персонал таркибининг доимий бўлиниши. Ташаббускорлик. Персонални бирлаштириш. “Фордизм” тизимининг вужудга келиши. Персонални ижтимоий психологик жиҳатдан бошқаришнинг назарий муаммолари. Инсон потенциалини фаоллаштиришнинг омиллари. Корхоналарда персонални шакллантириш ва ташкил қилиш амалиёти. Ўзбекистон корхоналарида персонал хизмати. Персонални бошқаришнинг хорижий тажрибалари ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятлари.

тарзини яхшилашнинг устивор йўналишлари. Аҳоли даромадлари, уларнинг шаклланиш манбалари ва фойдаланиш йўллари. Аҳоли даромадларининг номинал ва реал кўриниши. Лоренц эгри чизиги. Джинни коэффиценти. Лаффер эгри чизиги. Аҳоли даромадларини давлат томонидан тартибга солиш. Даромадларни тартибга солишда солиқларнинг роли.

Ривожланган хорижий давлатларда даромадлар сиёсати ва иш ҳақини ташкил этиш хусусиятлари

Даромадлар сиёсати ва иш ҳақи. Даромадлар сиёсати ва меҳнатга ҳақ тўлаш воситалари амалий тажрибаси. Венгрияда меҳнатга ҳақ тўлаш воситаларини солиққа тортиш хусусиятлари. Иш билан бандлик, иш ҳақи ва ишчи кучи ҳаражатларининг халқаро статистикаси. Иш ҳақи таркиби. Бевосита иш ҳақи ва маош. Ишдан ташқари вақтда ишлагани учун тўловлар. Мукофот ва совғалар. Натура билан тўловлар. “Ялпи” ва “соф” иш ҳақлари. Иш кучига сарфланадиган ҳаражатлар таркиби. Иш ҳақига доир бирдамлик сиёсати. Бирдамлик иш ҳақи сиёсатини амалда рўёбга чиқариш. Иш ҳақини фирма ичида тартибга солиш. Фан-техника тараққиёти таъсирида иш ҳақини ташкил қилишдаги ўзгаришлар. Иш ҳақи тузилишини тартибга солиш. Иш ҳақи ставкаларини белгилаш усуллари. Иш ҳақининг ягона ставкалари. Иш ҳақининг норасмий ставкалари. Иш ҳақини автоматик тарзда оширилиши. Иш ҳақи тузилишини тартибга солиш. Иш ҳақининг шакл ва тизимлари, ҳамда унинг кўрсаткичлари. Иш ҳақини ҳисоблаш тамойиллари. Иш ҳақини табақалаштириш ва унинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири. Раҳбарлар даромадининг кафолатлари ва унинг назорат қилиниши.

Иш ҳақини ташкил этиш ва уни ислоҳ қилиш

Иш ҳақининг моҳияти ва унинг шаклланиши. Ишчи кучининг фойдалилиги ва баҳоси. Ходимлар учун иш ҳақи. Тадбиркор учун иш ҳақи. Иш ҳақини бозор қонунлари асосида ташкил этиш механизмининг асосий унсурлари. Иш ҳақининг рағбатлантирувчилик вазифаси. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг такрор ишлаб чиқариш вазифаси. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тартибга солувчи вазифаси. Меҳнат унумдорлиги ошиши Иш ҳақининг элементлари. Иш ҳақини ташкил этиш тамойиллари - даромадлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш сиёсатини ишлаб чиқишнинг методологик асоси. Иш ҳақини ташкил этиш тамойиллари ва вазифаларининг алоқадорлиги. Бозор муносабатлари шароитида ходимлар даромадларининг асосий турлари. Ходимлар манфаатдорлиги тизими. Иш ҳақини ташкилий асослари. Бозор иқтисодиёти шароитида ходимларнинг иш ҳақи функциялари. Тариф тизимининг моҳияти ва элементи. Тариф малака справочниги. Тариф жадвали. Тариф бўйича табақалашнинг иқтисодий омиллари. Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишнинг асосий тамойиллари. Корхонада меҳнатга ҳақ тўлашнинг ташкилий асослари. Корхонада иш ҳақи фондини режалаштиришнинг моҳияти, босқичлари ва асосий йўналишлари. Иш

ҳақини режалаштиришнинг такомиллаштириш йўллари. Мамлакатни янгилаш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида иш ҳақини ислоҳ қилиш йўналишлари.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимларини ташкил этиш

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари тушунчаси ва уларнинг таснифи. Иш ҳақини ташкил этиш амалиётидаги меҳнатни нормалашнинг тариф ва ташкилий техник турлари. Асосий ва қўшимча иш ҳақи. Иш ҳақининг ишбай ҳамда вақтбай тизимларини қўллаш. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг оддий ишбай ва оддий вақтбай тизими. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд тизими. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг билвосита усули. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг моддий тизимлари. Ҳақ тўлашнинг рағбатлантирувчи тизимлари. Асосий иш натижалари учун рағбатлантириш тизимларини ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш. Корхоналарда иш ҳақига қўшимчалар, устамалар ва бир марта бериладиган мукофотларни қўллаш. Иш натижалари. Иш самарадорлиги. Индивидуал мукофотлаш. Рағбатлантирувчи қўшимчалар ва устамалар.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими

“Ижтимоий муҳофаза қилиш” тушунчаси ва унинг асосий йўналишлари. Ижтимоий муҳофаза тизими. “Ижтимоий хатар” категорияси. Ижтимоий муҳофаза субъектлари. Ижтимоий муҳофаза даражалари. Ижтимоий муҳофаза предметлари ва уларнинг таркиби. Ижтимоий муҳофаза принциплари. Ижтимоий муҳофазани баҳолаш мезонлари. Самарали ижтимоий муҳофазалаш. Ижтимоий институтлар ва ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш механизми. Ижтимоий муҳофаза шакллари ва механизмларини амалга оширишда давлатнинг роли. Ижтимоий кафолатлар. Ижтимоий муҳофаза қилиш концепциясини шакллантириш тарихи. Ёлланма ходимлар ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш. Ижтимоий муҳофаза қилишнинг асосий тамойиллари. Ижтимоий кафолатларнинг асосий вазифаси. Меҳнатга қобилиятли аҳолининг ижтимоий кафолатлари тўғрисидаги қонунлар. Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий муҳофаза қилишнинг манзилли тизими.

Бозор муносабатлари тизимида меҳнатни бошқариш

Меҳнатни бошқариш хусусиятлари. Ижтимоий меҳнат соҳаси. Меҳнатни бошқариш функциялари. Меҳнатни бошқариш тизими. Меҳнатни бошқариш турлари ва методлари. Меҳнатни бошқаришнинг давлат шакллари. Меҳнатни бошқаришнинг шартномали шакллари. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг

Аҳоли сони ва таркиби

Аҳоли сони тўғрисида тушунча. Аҳолини ҳисобга олиш статистикасида фарқланадиган аҳоли тоифалари. Аҳоли сонининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар. Доимий аҳолининг йиллик ўртача сони. Аҳолининг абсолют ўсиши (камайиши). Ўсиш суръати. Демографик баланс ва унинг аҳамияти. Аҳоли сонинг ўсиш омиллари ва унинг оқибатлари. Дунё аҳолисининг сони ва унинг тадрижий ўзгариши. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сони ва унинг ўсиш омиллари. Аҳоли таркиби тўғрисида тушунча. Аҳоли таркиби ва унинг тавсифий белгилари. Аҳолининг жинсий таркиби ва унга таъсир этувчи омиллар. Аҳолини ёш таркиби ва унинг шаклланиш қонуниятлари. Ёш таснифи. Аҳоли ёш таркиби. Аҳолини кексайиш жараёнлари.

Урбанизация – мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён сифатида

Жамиятни ривожлантиришда шаҳарлар ролининг ортиши. Урбанизация жараёнининг шаклланиш омиллари. Урбанизациянинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти. Урбанизация даражасининг ортишидаги жиддий ўзгаришлар. Демографияда аҳолининг шаҳар ва қишлоқларда жойлашишининг асосий кўрсаткичлари. Урбанизация жараёнининг демографик жиҳатлари.

Демографик жараён

Туғилишнинг демографик мазмуни. Табиий туғилиш даражасини аниқлашга доир ёндашувлар. Табиий туғилиш модели. Туғилишнинг стандарт коэффициентлари. Репродуктив кўрсатмаларнинг асосий ташқи индикаторлари. Оиланинг репродуктив даври. Аҳолининг репродуктив майлига таъсир этувчи омиллар. Репродуктив майл турлари. Ўзбекистонда туғилишнинг тадрижий ривожланиш босқичлари. Туғилишга доир концепция.

Аҳолининг ўлими ва умр кўриш давомийлиги

Ўлим жараёни ва унинг демографик моҳияти. Ўлим сабаблари билан боғлиқ омиллар. Ўлим ва унинг турмуш шароити билан боғлиқлиги. Эпидимиалогик ўсиш концепцияси. Эпидимиалогик ўтиш босқичлари. Аҳоли сонининг геперболик ўсиш қонуни. Ўлимнинг тарихий босқичлари. Касалликлар ва жароҳатлар, ўлим сабабларининг халқаро таснифи. Аҳоли умр кўриш давомийлиги. Умр кўриш давомийлигининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар. Умр кўриш давомийлиги ўсишининг асосий шартлари. Дунё мамлакатларига инсон туғилганда кутилаётган умр кўриш давомийлиги.

Демографик концепциялар ва демографик қонуниятлар

Илк демографик концепциялар. Аҳоли ривожланишининг сон ва сифат жиҳатлари. Демографик цикллар концепцияси. Демографик ўтиш назарияси. Миграцион жараёнларнинг уч босқичли концепцияси. Малтус ва унинг нуфуз назарияси. Аҳоли ўсишини чекловчи омиллар.

Демографик жараёнлардаги ўзаро боғлиқлик. Аҳоли ёш таркибининг туғилиш ва ўлимнинг умумий кўрсаткичларига таъсири. Туғилиш ва ўлимнинг ўзаро боғлиқлиги. Амортизация қоидаси. Туғилишнинг никоҳга таъсири.

Демографик прогнозлаштириш

Демографик прогноз ҳақида тушунча. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишда демографик прогнозларнинг аҳамияти. Демографик прогнозлаштириш йўналишлари: глобал ва минтақавий. Демографик прогноз шакллари: таҳлилий, меъёрий, огоҳлантирувчи ва функциявий. Прогнозларнинг ишлончилиги ва аниқлиги. Демографик прогноз турлари: қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар. Демографик прогнозларни амалга ошириш усуллари. Аҳоли сони ва таркибини прогнозлаштириш.

Демографик сиёсатни ўтказиш услублари ва йўналишлари

Сиёсат – ижтимоий жараёнларни бошқариш тизимида асосий унсур сифатида. Демографик сиёсатнинг мақсад ва вазифалари. Демографик сиёсатнинг объекти ва асосий йўналишлари. Демографик сиёсатнинг таркиби. Демографик сиёсатнинг асосий компонентлари. Демографик сиёсат таркиби. Демографик сиёсатни ўтказиш шарт-шароитлари. Демографик сиёсатни ўтказиш услублари: иқтисодий, маъмурий-ҳуқуқий ва ижтимоий-психологик. Демографик сиёсат жиҳатлари ва даражалари. Туғилиш ва оила соҳасидаги демографик сиёсат. Туғилишни тартибга солишга қаратилган демографик сиёсатни амалга ошириш усул ва воситалари.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: Мехнат, 2009. -763 б.
2. Абдурахмонов Қ.Х. ва б. Инсон тараққиёти. 2012. 460 б.
3. Абдурахмонов Қ.Х. ва б. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. 2013. 418 б.
4. Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт / Дарслик. Қ.Абдурахмонов. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. – Т.: 2019. – 592 б.
5. Инсон ресурсларини бошқариш (дарслик) / Гулнора Абдурахмонова. – Т.: ЎзР ФА “Фан” нашриёти давлат корхонаси, 2021. 696 б.
6. Арабов Н.У. ва бошқалар. Кадрларни инновацион бошқариш (дарслик). – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2022 йил, 316 б.
7. Абдурахмонов К.Х., Бабынина Л.С., Одегов Ю.Г. Управление человеческими ресурсами организации. Учебник. – Т.: Изд. «Фан» Академии наук Республики Узбекистан, 2020, – 256 с.
8. А.В.Хайитов, Г.А.Адилова, Н.У.Арабов. Personal motivatsiyasi. O'quv qo'llanma. - Т.: TDIU, 2019. – 326 б
9. Абдурахмонов Қ.Х. ва б. / Зокирова Н.Қ., Шоюсупова Н.Т., Габзалилова В.Т., Абураманов Х.Х., Абдурахмонова Г.Қ., Шакаров З.Г. / Демография. Дарслик. – Т.: “Иқтисодиёт” 2014. – 364 б.
10. Демография: Учебное пособие / Коллектив под. ред. В.Г.Глушниковой, Ю.А.Смагина. – М.: КНОРУС, 2013. – 304 с.
11. Экономика и социология труда. Учебник./ Под.ред. А. Я. Кибанов.- М.: ИНФРА-М, 2010-548с.

Қўшимча адабиётлар


1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.01.2022 yildagi PF-60-son “2022-2026-yillarga mo'ljallangan yangi o'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida” Farmoni. lex.uz
2. Sh.M.Mirziyoyev. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi asosida demokratik islohotlar yo'lini qat'iy davom ettiramiz. “Xalq so'zi” gazetasi, 2021 yil 7 noyabr, №238 (8018).
3. Кибанов А.Я. и др. Управление персоналом. Учебник. – М.: РИОР, 2010. – 288 с.
4. Жданкин Н.А. Мотивация персонала. Измерение и анализ. Учеб.- практ. пособ. – М.: Финпресс, 2010. – 272 с.
5. Основы демографии: Учеб. Пособие / П.И.Косов, А.Б.Брендеева. – 2 – с изд., доп. и перераб. – М.: ИНФРА-М, 2012. – 288 с.
6. Саградов А.А. Экономическая демография. Учебное пособие. – М.: Магистр, 2016. – 297 с.

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА
ИХТИСОСЛИКЛАРИГА КИРИШ СИНОВЛАРИ УЧУН МАХСУС
ФАНЛАРДАН ДАЪВОГАРЛАРНИНГ БИЛИМЛАРИНИ БАҲОЛАШ
МЕЗОНИ**

Синов топшириш шакли	Ёзма
Ажратилган вақт	120 дақиқа
Саволлар сони	5
Ҳар бир савол учун белгиланган балл	20
Максимал балл	100
Ўтиш бали	55

Инсон ресурсларини бошқариш
факультети декани:

Кафедра мудири:



доц. Ш.Д.Джуракулов

проф. Н.У.Арабов